

## УЧУНЧИ НАЪТ

Ул нубувват куёшининг соясизлигининг пояси, балки куёш бўлмок анинг сояси ва беш бармогига калам тутмай аколими сабъани яккалама килгони, балки жамиъ милал аврокига насх калами чеккони.

Эй шараф авжида юзунг шамъи меҳр,  
Соядек ул шамъга нилий сипехр.

Соялигинг бўлмаса гар варзиши,  
Тушмак аёгингга нединдур иши,

Турфаки шамъингга бийик поядин,  
Ор ўлубон шамъ киби соядин.

Меҳрки чихрангдин анга нурдур,  
Теграсидин сояси махжурдур.

Сенки юз онча санга ҳақ берди нур,  
Тонг йўқ агар соядин ўлсанг нуфур.

Соя агар бўлмади шахсингга ёр,  
Сояи кадрингда дурур ҳар не бор.

Шамъинга чун нури кидам соядур,  
Нурдур улким анга ҳамсоядур.

Соя сифат келди санга анбиё,  
Яъни эрурлар куёшингдин зиё.

Жулваи хусн айласа меҳри шариф,  
Боис ўлур сояга жирми касиф.

Зотинг эди жавҳари улвий нажд,  
Тутмади ер сояси бирла савод.

Кайда савод этгали чеккай ракам,  
Колди чу маҳрум илигингдин калам.

Бўлмади гар хома бошин ёрмогинг,

Ёрди камар хомасини бормогинг.

Кўймади гар бу каламинг бир нукат,  
Лек милал насхига кўп чекти хат.

Юз каролик хома киби килди фош,  
Кимки хатингдин чикорур бўлди бош.

Тиги сиёсат бошин этти калам,  
Кимки чикорди ракамингдин кадам.

Итса калам кайда гам ўлди санга,  
Чунки жахон яккалам ўлди санга.

Хаттингга бош кўйди Ажам то Араб,  
Тутмасанг илгингга калам не ажаб.

Ўпмади илгингни чу нолон калам,  
Мотамий айлабтур они бу алам,

Ким юзин айблаб каро гамнок эрур,  
Шакки эмаским, ёкоси чок эрур.

Тутмогининг андин эди хомани,  
Ким ул этибдур каро кўп номани.

Нома каро килгали бўлдик сариъ,  
Нома сияхларга чу сен-сен шафиъ.

Эй ёвумай номага хоманг сенинг,  
Хома йўку хак сори номанг сенинг.

Хак азалий рахмати жовиди сен,  
Нома каро килгон эл уммиди сен.

Кимки амал номасин айлаб каро,  
Сен кириб онинг каро жони аро.

Кимники гумрах килибон толии,  
Жодаи шаръинг ўлуб шории.

Зулмати куфр улки бўлуб жамъ анга,  
Хар «алиф» исломинг аро шамъ анга.

Барча милалга чу юруб химматинг,  
«Лом» ила «те» дин лат уруб миллатинг.

Лотки андин эди динга бало,  
Сен ушотиб поясини бўлди ло.

Куфр элига улки бор эрди манот,  
Бўйнини сен синдурубон бўлди мот.

Куфр бошин кестинг этиб кахр фош,  
Бошига фар колмади, жисмига бош.

Хаста Навоий сори наззора кил,  
Куфр инониятига чора кил.

Эт бу иноят била хосил ани,  
Зумраи ислом аро дохил ани.

### УЧИНЧИ НАЪТ

Ул пайгамбарлик Куёшининг сояси йўклигининг даражаси, тўгророги, Куёш бўлмок унинг сояси эканини ва беш бармогида калам ушламаган холда етти иклимни кўлга олгани, хатто барча динларнинг дафтарлари варақларига маън этиш каламини чеккани хақида Эй шараф кўкида юзи куёш шамъи бўлган, у шамъга кўк осмон соя сингаридир! Агар сенда соя солиш одати бўлмаганда, оёгинг остига тушиб ётармиди! Шамъинг даражасининг буюклигидан бу соядан сен ор килдинг.

Чехрангдан Куёшга хам нур таралиб, унинг атрофида сояси якин келолмай, ажралиб юради. Аллох сенга бундан юз хисса ортик нур берган бўлиб, агар сен соядан нафратлансанг хам ажабланарли ери йўк.

Соя сенинг шахсингга ёр бўлмаса хам, аммо бутун борлик сенинг каднинг соясидадир. Шамъинг олдида кадимиат нури — коронгиликдан иборат бўлиб, нимаики унга хам соя бўлса, ўша нурдир.

Барча ўтган пайгамбарлар сенга соя сифат бўлиб, бу деганим — улар Сенинг Куёшингдан чиккан зиёлардир. Олижаноб Куёш ўз хуснини турлича намоён этганда унинг дагал жуссаси ўша сояга сабабчи бўлади.

Сенинг зотинг энг олий насабнинг жавхаридан бўлгани сабабли Ер сояси билан бирлашмади. Сенинг кўлинг умрида калам тутмаган, бунинг учун у қандай килиб коғозни кора килиши мумкин! Сен каламнинг учини ўзинг очмаган бўлсанг хам, лекин бармоқларинг Ойнинг каламини ёрган-ку!

Ушбу каламинг коғозга бир нукта кўймаган бўлса хам, бошка динларни бекор этиш масалалари бўйича кўп нарсаларни битди. Кимки сен хатингда кўрсатган йўлдан чиккан бўлса, калам каби улар ўзлари ўз юзларининг коралигини фош этдилар. Кимки сен кўрсатган йўлдан бир кадам чиккан бўлса, калам ўрнида жазо тиги бошини кесди-ку. Агар калам йўқолиб кетса, бундан ташвишлинишга хожат йўк. Чунки жахон сенга бўйсуниб бўлган. Сенинг хатингга Ажамдан бошлаб Арабгача бош эгди. Шундай бўлгач,

Сен кўлингга калам тутмасанг, бунга ажабланишнинг ўрни йўқ. Калам йиглаб туриб кўлингни ўпмаган экан, бу аламли воқеа уни бир умр азадор килди. Ким юзини кора килиб, гамда экан, бу — унинг юзи ёрилганини эмас, ёкаси чок эканини билдиради. Каламни кўлга олмаганинг сабаби шундаки, бу калам кўп такдирларни кора килган эди. Когозларни кора килишга берилиб кетдик. Лекин бахти кораларнинг химоячиси ўзингдирсен.

Сенинг каламинг хат ёзишга хеч якинлашмади. Каламинг бўлмаса хам, сенинг номаларинг Аллохга каратилган. Сен Аллохнинг кадимий ва абадий мархамати, бахти каро бўлган одамларнинг умидисен.

Кимнинг умид-истаги бахтсизликка юз ўгирган бўлса, Сен уларнинг бахтсиз жонига ора кирувчисан.

Кимки толеъи паст келиб адашган бўлса, уни факат шариат коидаларини тузувчилар куткара олади. Кимда кофирлик зулмати тўпланган бўлса, (бу конун-коидалар ёзилишидаги) хар бир «алиф» Исломни шамъдек ёритиб туради.

Сенинг олижаноблигинг барча динларга нисбатан бўлиб, «Лом» ва «т» дан хар бир динга зарар бордир.

«Лот»дан динга доим турли балолар юз берар эди. Сен унинг оёгини синдириб, «Ло»си колди, холос.

Кофир халкининг «Манот» деган бути бўлиб, сен уни бўйнидан синдирганингдан сўнг у «мот» бўлди — енгилди. Сен куфр бошини кесиш билан ўз кахрингни кўрсатдинг. Боши шукухдан ажралганидан кейин, гавдаси бошсиз колди.

Хаста Навоийни назарингдан четда тутмагайсен. Унда куфр ва худбинлик бўлса, бунинг чорасини ўзинг килгайсен. Бундай иноятинг билан уни Ислом жамоасига киритгайсен.